# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

*Халқ зиёлилари рўзномаси*

Маърифат

معرفت

MARIFAT

*1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган*

1992 ЙИЛ 4 ИЮЛЬ, ШАНБА

№ 57 (5653)

Баҳоси: 1 сўм 50 тийин.



Халқ депутатларининг сайъ-ҳаракатлари мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган. Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

## *Миннатдорчилик ҳисси*

**Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам даромадли табақаларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни-кеча матбуотда эълон қилинган нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш ҳақидаги Фармони ҳам ана шу борадаги муҳим тадбирлардан бўлди.**

**Янги Фармонни республикамиз халқ таълими ходимлари ҳам катта қувонч ва мамнуният билан кутиб олдилар.**

**Газетамиз таҳририятига шаҳар ва қишлоқлардан келаётган хатларда, телеграммаларда, телефон орқали билдирилаётган истакларда бу миннатдорчилик туйғулари ўз ифодасини топаётир. Қуйида ана шундай қувонч ва ифтихорга тўла сатрлар билан танишасиз.**

## ТАШАККУР АЙТАМИЗ ЮРАКДАН

Улуғ бобомиз Алишер Навоий: «Одамий эрсанг демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами», деб айтганлар. Бу донишманд сўзлар мустақил республикамиз раҳбарияти фаолиятида ҳам муттасил ўз ифодасини топиб келаётир. Куни-кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган янги Фармони ҳам бунга мисол бўла олади. Ушбу Фармонга кўра, ўқитувчилар, тарбиячилар, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари муаллимлари, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам иш ҳақлари 1,8 баробар ошди. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёш авлодга таълим-тарбия бераётган кишиларга кўрсатилган катта мурувватдир.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг элни ўйлаб иш тутаётганини ички ва ташқи сиёсатда яққол кўриб турибмиз. Қабул қилинаётган фармонлар ва қарорларнинг барчаси эл-юрт фаровонлигини кўзлайди. Биз бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар қандай бузғунчилик ҳаракатларига, юртимизда тинчликни сақлашга ҳалал бераётган кишиларга ўз амалий фаолиятимиз билан зарба беришимиз зарур, деб ўйлаймиз. Биз қанчалик ҳалол, виждонан, самарали меҳнат қилсак, мустақиллик йўлида кўзланган мақсад ва орзуларга шунчалик тезроқ эришамиз. Биз халқ таълими ходимлари таълим-тарбия ишини юксак савияга кўтариш билан, фаолиятимизга ижодий ёндашиш билан, иқтисодий қийинчиликлар олдидаги тушкунликларни бартараф этиш билан, ҳар қандай иғвогарликлар ва бузғунчиликларга зарба бериш билан Ўзбекистон мустақиллигига муносиб ҳисса қўшамиз.

**А. МАҲКАМБОЕВ,**
**Жиззах вилояти Пахтакор ноҳиясидаги У. Носир номли 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, республика халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси.**

## *КЕЛАЖАККА ИШОНЧ*

**Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисоди шароитида аҳолининг кам таъминланган табақаларига, шунингдек, биз педагогларга ҳам қайта-қайта кўрсатаётган мурувватидан беҳад хурсандмиз. Куни-кеча матбуотда эълон қилинган янгилик ҳам фикримизнинг далилидир.**

**Ана шу ғамхўрликка жавобан биз ўқитувчилар Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун ёш авлодни чинакам истиқлол кишилари қилиб тарбиялашга, билимли, ишбилармон, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишлари учун бутун куч-ғайратимизни бағишлаймиз.**

**Иқтисодий жиҳатдан оғир ҳозирги дамлар ўтиб кетар. Порлоқ кунлар келишига ишончимиз комил. Шукрлар бўлсинки, қайта қуриш туфайли халқимиз ўз ерига ўзи эгалик қиляпти, имонимиз бут бўляпти, она тилимиз давлат тили мақомини олди. Тани-жонимиз соғ, юртимиз тинч, эркимиз ўзимизда бўлиб, Оллоҳ мададкор бўлса, барча орзу-истакларимиз аста-секин рўёбга чиқаверади. Ахир, нарвоннинг тепасига ҳам бирдан чиқиб бўлмайди-ку. Бунинг учун ҳозирги мураккаб шароитда ҳамжиҳатлик билан иш юритишимиз, ҳар бир соҳада аниқ бир манзилни кўзлаб, ижодий ёндашишимиз, бир-биримиздан ширин сўзимизни, ҳимматимизни аямаслигимиз, сабрли, қаноатли, иродали, кечиримли бўлишимиз даркор.**

**Биз педагоглар мустақил Ўзбекистонимиз келажаги, унинг тақдири ҳозир мактабларда тарбияланаётган ёш авлодлар қўлида бўлишини аниқ ҳис қилган ҳолда уларга сабот, матонат, меҳр-муҳаббат билан сабоқ бераверамиз.**

**Набира ИСҲОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 197-ўрта мактабнинг 1-тоифали ўқитувчиси.**

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА




**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлар очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи— қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар—кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви—олтин рангида, ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангда, чаноқлардаги пахта—оқ рангда, лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар — олтин рангида тасвирланган.

**[Давоми учинчи бетда].**

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

2 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси очилди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Ҳозир бўлганлар бевақт вафот этган халқ депутати Т. А. Ботировни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар.

Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев маърузаси юзасидан янги сайланган халқ депутатлари — 240-Қишлоқ округидан Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Раҳмонов билан 475-Қизкеткен округидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ж. Суюновнинг ваколатлари тасдиқланди.

Депутатлар кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳукумат ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, республикадаги иқтисодий ва ижтимоий аҳвол тўғрисида ахборот берди.

Президент ахбороти юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Депутатлар Олий Кенгашнинг сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Конституция комиссияси ишчи гуруҳининг раҳбари Ш. З. Ўразаев Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ишлари қандай бораётгани ҳақида ҳамда Конституция комиссияси таркибига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида маъруза қилди.

Депутатлар зўр кўтаринкилик ва мамнуният билан Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат Гербини тасдиқладилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги, коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта жамғармасига, халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банкига, халқаро молия корпорациясига, сармоялар кафолатига оид кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши ҳақидаги; монополия фаолиятини чеклаш тўғрисидаги; республикада биржа ва биржа фаолияти ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият ҳақидаги, хорижий сармоялар тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти ҳақидаги, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳақидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга доир қонун лойиҳалари хусусидаги масалалар юзасидан иқтисодий ислоҳот, Бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев сўзга чиқди.

Шу масалалар юзасидан қонунлар ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Олий Кенгаш таълим тўғрисида Қонун қабул қилди. Мазкур Қонун лойиҳаси ҳақида Илм-фан, халқ таълими ва маданий меросни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари А. Қўчқоров маъруза қилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига мувофиқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг пленумига собиқ СССР Олий

**[Давоми учинчи бетда].**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон халқи озодликка эришганидан бери бир йил ҳам ўтгани йўқ. Бу — жуда қисқа давр. Биз озодликка қон тўкмасдан эришдик. Аммо бу — ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас.

Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни эплаш ҳам зарур.

Мен илгари шу йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти йўлларини аниқлаб оламиз, деб гапирган эдим.

Буни қандай тушунишимиз керак?

СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ қўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40—50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин бизлар йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик.

Ўзимиздан чиқаётган маҳсулотни ўз нархида сотиб, ҳақимизни ундириб олиш ҳам мураккаб бўлиб қолди. Бошқа минтақалар ва чет давлатлар билан боғланган жуда кўп катта корхоналаримиз тўхтаб қолиши хавфи туғилди.

Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш масаласи жуда катта муаммога айланди.

Ғоят мушкул шароитда ана шундай муаммоларни ечишга тўғри келди ва халқимизни, иқтисодимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди.

Бугун бизлар ишнинг маромини тушуниб, кам бўлса-да, тажриба орттирдик, режаларни аниқлаштириб олдик. Узлуксиз таъминот масаласи ҳал этилди. Энди 1992 йилнинг иккинчи ярми, 1993 ва кейинги йиллар таъминоти тартибга келди ва бизлар бу ҳақда бемалол ахборот беришимиз мумкин.

**(Давоми иккинчи бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатномаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига Мурожаатномаси қабул қилинсин. Мурожаатнома матни маъқуллансин.

2. Барча сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларининг намояндалари, республиканинг барча аҳолиси Ўзбекистоннинг туб мустақиллигига эришиш йўлида кўпмиллатли жамиятимизнинг бутун кучларини бирлаштиришга даъват этилсин. Ўзини республиканинг чин фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши ҳаётининг бош мазмуни — ҳозирги пайтда шундан иборат бўлмоғи лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари, маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ижроия ҳокимиятининг бошқа барча тузилмалари республикада ҳамда жойларда вазиятни беқарорлаштиришга уринаётганларга нисбатан Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган чора-тадбирларни тўлалигича қўлласинлар.

4. Мурожаатноманинг матни барча республика, вилоят газеталарида эълон қилинсин, радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилсин.

5. Оммавий ахборот воситалари жойлардаги камчиликларни яширмаган ҳолда Президент ва республика Ҳукумати аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирлар ҳақидаги, республиканинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида аҳолининг аксарият қисми билдирган фикрларни кўпроқ ёритсинлар. Айни пайтнинг ўзида одамлар ўртасида миллий, ижтимоий, диний низонинг авж олдирилишига йўл қўйилмасин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалари, республиканинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақиллиги йўлида эришилган ютуқларни мустаҳкамлайдилар, ўзларининг бор куч-ғайратлари ва имкониятларини одамларнинг турмушини яхшилашга ҳамда давлатимизнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар этадилар деб комил ишонч билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

(МУРОЖААТНОМА БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ УЧИНЧИ САҲИФАСИДА ТАНИШАСИЗ).

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ НУТҚИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, **Мустақил Ўзбекистон** туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.

Ташқи сиёсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқазиши мумкин, қаерда ютиши мумкин — ана шундай жиддий масалаларни ечишига тўғри келди.

Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади.

Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади. Шу билан бир қаторда мудофаа, ҳарбий хизмат масалаларини ҳам ҳал этиш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун Ўзбекистон — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Давлат мустақиллигимизни дунёнинг 110 мамлакати расман тан олди. Уларнинг 45 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда АҚШнинг, Олмония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди.

Жумҳуриятимиз Хельсинки шартномасига имзо чекди ва Европага йўл очди.

Ўзбекистон Европа тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзо бўлди. Халқаро валюта фондига, Дунё банкига, Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзолик масаласи ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Ўзбекистон Эрон, Покистон, Туркия томонидан ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди. Туркия, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида битимлар тузилди. **Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кундан-кунга ортиб бормоқда.**

Бунинг сабаблари нимада?

**Биринчидан,** биз дастлабки кунларданоқ мустақил равишда ташқи сиёсат юрита бошладик. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларини олға сурдик. Ўзбекистон иқтисодий ва маънавий салоҳиятли буюк давлат эканини англатиб турдик ва бу ҳақиқатни амалда намоён эта бошладик.

**Иккинчидан,** биз ташқи сиёсатни ички сиёсат билан узвий боғлашнинг уддасидан чиқдик. Мамлакат ичкарисида осойишталикни сақлашга эришдик.

Яқинда Испания давлатининг вакили учрашувда бир гапни айтди: «Бизни Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этадиган сабаблар учта: **Биринчи сабаб** — Ўзбекистоннинг ички тартиби ва осойишталиги. **Иккинчи сабаб** — сиёсатнинг барқарорлиги ва собитлиги. **Учинчи сабаб** — камтарликдан бўлмаса ҳам айтишим керак,— Ўзбекистоннинг жиддий ва уқувли раҳбарияти».

Бу хил иқрорни бошқа давлатлардан келган сиёсатчи ва ишбилармонлардан ҳам кўп эшитдик.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Мен Президент сифатида бир нарсадан ғоят мамнунман. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўз қадр-қимматини асрай билди. Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ.

Биз ўзимизни тенг тутдик ва биз билан тенг туриб гаплашишни талаб қилдик. Ўзимиз учрашган барча сиёсатчиларга ва ишбилармонларга очиқ-ойдин қилиб айтдик: **«Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, Ўзбекистоннинг бойликлари беҳисоб, Ўзбекистоннинг одамлари меҳнатсевар, Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар асло доғда қолмайдилар!»**

Биз чет эллик сиёсатчи ва иқтисодчиларни шу айтилган ҳақиқатга ишонтирдик. Бу ишонч ўз навбатида Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этишга, зарур истеъмол молларини ва озиқ-овқатни етказиб бериш ҳақида битимлар тузишга имкон яратди.

Шундай қилиб, дунё аҳли Ўзбекистонни таний бошлади. Ўзбекистоннинг буюк иқтисодий ва маънавий имкониятларидан хабардор бўлди.

Ўзбекистонга катта эътибор берилаётганининг яна бир сабаби бор. Бу — Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида марказий ўрин тутиши.

Минтақанинг бўлажак тақдири кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ. Ўзбекистон халқи қайси йўлни танласа, қўшнилар ҳам шу йўлдан кетиши эҳтимоли бор.

Шу нарса ўз навбатида бизнинг ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди.

Икки оғиз сўз Ўзбекистоннинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида тутган ўрни ҳақида. Гарчи бу Ҳамдўстлик тарқаб кетади, деб фол очиб юрганлар бўлсада, Тошкент учрашуви шу хил «башорат»ларни чиппакка чиқарди.

**Тошкент ўзининг сулҳпарвар шаҳар деган тарихий номига содиқ қолди.** МДҲ раҳбарларининг бу ердаги учрашуви ва учрашув якунлари Ҳамдўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди, бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширди.

Ҳамдўстлик давлатларидан бирининг раҳбари: «Тошкент учрашуви бўлиб ўтган барча учрашувлардан кўра самаралироқ бўлди», дегани бежиз эмас.

Тошкент учрашувидаги энг катта ютуқ — Ўзаро хавфсизлик шартномаси бўлди. Бу битимнинг асосий аҳамияти шуки, у, аввало, минтақада давлатлараро мавжуд бўлган чегараларни дахлсиз сақлаш имконини беради. Кимки шунга қарши интилса ёки ҳаракат қилса, унинг танобини тортишга ҳам шароит туғдиради, тинчлик-осойишталикни сақлашга кафолат беради.

Бугунги кунда минтақамиз жанубида аҳвол анча мураккаб бўлиб турганини яхши биласизлар. Биз бу воқеалар ривожига бефарқ қараб, қўл қовуштириб ўтиролмаймиз.

Биз ўз Армиямизни тузамиз. Бу йилдан бошлаб ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар мамлакат ичкарисидаги қўшинларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу Армия Ўзбекистон халқини, Ўзбекистон мустақиллигини муҳофаза этиш қудратига эга бўлади. Халқимизнинг энг сара ўғлонларидан иборат миллий гвардия тузилади.

Ҳаммамиз ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва тузум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди.

**Миллий хавфсизлик ҳақида.** Биз бу махсус ташкилотни қайтадан туздик. Сон жиҳатидан жуда оз, лекин мустаҳкам миллий хавфсизлик бошқармаси яратилди. Унинг асосий вазифаси — давлат тузумини ҳимоя қилиш, разведка ва контрразведка.

Бир нарсани яхши англаб олайлик, азиз ватандошлар. Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилиш, турли қўпорувчи ҳаракатларга муносиб зарба бериш, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка — ҳаммасига қурбимиз ва қудратимиз етарли бўлиши зарур. Хавфсизлик хизматининг яна бир вазифаси — турли мафия гуруҳларига қарши кураш. Кейинги пайтларда миллий хавфсизлик хизмати эски КГБдан бошқа нарса эмас, деган бўҳтон гаплар тарқалиб қолди. Бунга ҳеч ажабланмаслик керак. Бу гапларни ўзидан хавфли бўлган мафия гуруҳлари ўйлаб топган. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деган нақлни эслаш кифоя.

Янги махсус ташкилотнинг вазифасини яна бир марта таъкидлаб айтаман: **Миллий хавфсизлик.** Давлат бу ташкилот ёрдами билан ўзини ҳимоя этади.

Хавфсизлик бошқармаси зиммасига иқтисодий вазифалар ҳам юклатилади. Нотайин чет эл компаниялари билан тил бириктириш, улардан пора олиш ва халқнинг пешона тери билан топилган бойликларини чет элга арзон-гаровга сотиш деган гаплар энди кетмайди.

Республикамизда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча барқарор бўлиб турибди. Бу — ҳаммамизнинг бахтимиз, ютуғимиз. Республикада тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда соғлом оппозициянинг, фуқаролар тотувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши англайдиган партия ва халқ ҳаракатларининг ҳиссалари буюкдир.

Қийинчиликлар ва камчиликлар жуда кўп. Буни биз, республика раҳбарияти жуда яхши биламиз.

Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чақилса бас — ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, бошқа қўшниларимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали **барча ватандошларимни ҳушёрликка даъват этмоқчиман.**

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўкилаяпти, халқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетмоқда. Отишмалар етмагандай, дўл, сел, зилзила каби балои офатлар ҳам халқнинг тинкасини қуритмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Халқнинг ярми норасида болалар бўлган давлат **бирданига бозор муносабатларига ўтиши бемаъни гап.**

Бозор иқтисодиётига ўтдик, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Ўтиш учун, аввало, иқтисодий база керак. Бизда бозор иқтисодиёти таркиби эндигина шаклланиб бормоқда, холос. Энг аввало, иқтисодиётнинг фақат хом ашё етиштиришдек самарасиз йўналишидан қутулиш керак. Бозор муносабатига ўтиш учун одамларни шунга тайёрлаш, кўниктириш керак. 74 йил бир хил тузумда яшаб келиб, бир ёки икки йил ичида бутунлай бошқа тартибга ўтиб бўлмайди.

Шундай қилиб, биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик.

Бу йўлнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

1. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, **миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз.** Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил.

Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз.

Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган.

Лоф туюлса ҳам айтишим керак: **бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз иҳтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам мана бугун яна қайтиб келишяпти.**

Халқимизнинг яна бир фазилати шуки, бизда илм ва маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнатсеварлик туйғулари бениҳоя юксак.

2. Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, **ислом динимизни, албатта, назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган.** Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

3. Бозор муносабатлари ҳақида гап кетар экан, **Ўзбекистондаги демографик вазиятни, албатта, ҳисобга олиш зарур.** Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди. Аввал айтганимдек, аҳолининг салкам ярмини ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Ўсиш суръати жуда катта. Меҳнат ресурсларининг ўсиш даражаси ҳам шунга яраша.

Яна бир фарқли жиҳатимиз шундаки, халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди.

Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

**4. Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат.** Албатта, асосий кўпчиликни ўзбеклар ва бошқа туб халқ вакиллари ташкил этади. Аммо биз бугунги кунда тупроғимизда яшаётган юздан кўпроқ миллат ва элат вакилларини, уларнинг маданиятлари ва анъаналари ривожини ҳам ўйламасак бўлмайди.

**5. Ўзбекистоннинг геополитик мавқеи ҳам жуда қулай.**

Қадим карвон йўллари бизнинг еримиздан ўтган. Бизнинг кўҳна шаҳарларимизда ва бозорларимизда юзлаб лаҳжалар жарангланган. Дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларида ўзбек тупроғи кўприк воситасини ўтаган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи ўрин тутади. Унинг автоном энергетика ва сув системалари бор. Кўп жиҳатлардан минтақа республикалари ўртасида боғловчи ролини ўйнайди ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда фаоллашиб бормоқда.

**6. Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказишга мавжуд табиий иқлим шарт-шароитлари ҳам катта таъсир қилади,** албатта. Республикада сув ресурслари ҳисобли. Етиштириладиган зироатлар сувни кўп талаб қилади. Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёда ҳам муҳим стратегик маҳсулот —пахта ва ундан ишланадиган маҳсулотларни экспорт қилишда етакчи ўрин тутади.

Мева-чева, сабзавот, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам чет элларга экспорт қилиш қудратига эгамиз. Тупроғимизнинг ҳар бир қаричи тилла, кунт қилган одам ҳар йили бир неча бор ҳосил кўтариши мумкин.

**7. Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга.**

Ер усти ва остидаги қимматбаҳо бойликларимиз юртимизнинг дунё бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш имконини беради.

Бошқача айтганда, биз тилланинг устида ўтирибмиз. Афсуски, собиқ марказ олиб борган сиёсат оқибатида Ўзбекистон фақат хом ашё беришдан нарига ўтмади. Ўзида бор нарсани ўзи ишлата олмади.

**Ҳозирча биз рубль тазйиқида яшаяпмиз.** Бошқа собиқ Совет республикалари билан хўжалик алоқаларини бирданига узиб ташлай олмаймиз.

Аслини олганда, **узиш шарт ҳам эмас.** Эндиги иқтисодий муносабатлар эскича усулда эмас, балки янгича асосда — тенглик ва ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши шарт.

Муҳим стратегик ашёларни аввалгидек субтекинга бериб юбормаслик керак. Умуман, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро олди-берди жараёнида янгича мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг асосий шарти —қўшнимизми, олисдами, барча мамлакатлар билан иқтисодий ҳисоб-китобни халқаро нархда ташкил этиш лозим.

8. Энди бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган яна бир масала —**ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини олиб қарайлик.**

Шўролар даври, нақ 74 йил изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади. **Бу даврда шаклланган муайян қадриятлар бор.** Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган. Бундай ёндашиш кишилардаги ташаббусни бўғиб қўйди. **Ҳамма нарса — давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар мулкдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолган. Ўз меҳнат ва молига эга бўлмаган одамнинг иш деб жон куйдириши жуда қийин.** Бундай ҳолат ишчиларнинг меҳнатга интилишига, шахсий рағбатланишига, иш натижаси учун масъулиятини оширишига салбий таъсир этишини ҳаётимиздаги кўп мисолларда кўраяпмиз.

Шундай экан, бозор муносабатларига ўтишда кишиларимизнинг кайфиятини ҳисобга олиш, дастлабки кезларда ўтган даврдан қолган муайян ижобий тажрибалардан самарали фойдаланишни ҳам унутмаслигимиз керак.

Муҳтарам депутатлар!

Ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналиши ва асосий мазмуни битта — чинакам мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш.

Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади.

Одил ва оқил ҳокимият халқ кайфиятини, унинг иродасини, албатта, ҳисобга олади. Халқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солади, халқ ғайратини яратувчилик йўлига бошқаради.

Улуғ шоир ва буюк давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётини олиб кўрайлик. Буюк бобокалонимиз халқни мадрасалар қуриш, ариқлар қазиш, хайру эҳсон қилиш каби ишлар атрофида бирлаштирган.

**Бугунги кунда ҳам халқни якдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи— Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!**

Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Сиёсий қурилма борасидаги вазифаларимиз, қисқача айтганда, қуйидагилардан иборат:

— ҳақиқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади;

— Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади — қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига. Бу принципларга амал қилмасдан туриб ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди.

Олий Кенгаш мамлакатнинг энг юксак ва ягона қонунчилик ҳамда вакиллар ҳокимияти бўлиб қолаверади.

Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлари ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркларини муҳофаза қилишга, **сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади.**

Суд ҳокимияти — мустақил ҳокимият. Қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш — суд ҳокимиятининг олий бурчидир;

— ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. Қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади. Қатъий тартиб ва интизом, қонунга ҳурмат, анъаналарга ҳурмат — ҳуқуқий давлат фуқаролари учун одатий ҳол;

— Ўзбекистон ўз номи билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равнақ топишини таъминлаш — мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи.

Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфаатларини ҳам муҳофаза этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзимиз шунча йил зулм кўрганимиз етади. Энди бошқаларга зулм ўтказсак, ота-боболаримизнинг руҳларини безовта қилган бўламиз. Шу **тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ.**

Айни замонда, XX аср алғов-далғовларидан, қатағонларда озор чекиб, чет мамлакатларга мажбуран кетиб қолган биродарларимизга Ўзбекистон дарвозаларини катта очишимиз керак.

Муҳтарам депутат ўртоқлар!

Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз.

Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлақ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғрисини айтсак, ўзаро ҳурмат, баҳс ва мунозара одоби етишмайди.

Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак.

**Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади.** Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин.

Муҳтарам халқ вакиллари!

Албатта, бу айтилган гаплар янгилик эмас. Аммо бугунги кунда бизнинг жамиятимиз ҳақиқий демократик ислоҳотлар сари илк қадамларини қўяр экан, маълум ва машҳур ҳақиқатларни қайтадан зикр этиш асло зиён қилмайди.

Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади.

**Айни замонда мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар тақиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт.**

Адлия органлари ҳар бир партия ва ҳаракатни рўйхатга олар экан, эркин фаолият кўрсатишга имкон яратиб берар экан, уларнинг кейинги фаолиятларини ҳам қонун доирасида назорат қилиб боришлари керак.

Азиз дўстлар!

Олдимизда оғир муаммо бўлиб турган иқтисод тўғрисида. Айрим биродарларимиз Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ иқтисодий программаси йўқ, деган даъволар билан чиқмоқдалар. Уларга ҳисобот бериш шарт эмас. Аммо фуқароларни бугунги оғир аҳволдан олиб чиқиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларимиздан хабардор этиш зарур.

Умуман, узоқ йилларга мўлжалланган программаларга сал шубҳа билан қараш керак. Ёдингизда бўлса, бир вақтлар 2000 йилга бориб ҳамма алоҳида уй-жойга эга бўлади, деб жар солишди. Бунинг қуруқ хомхаёл эканлиги икки-уч йилдаёқ аён бўлиб қолди.

Озиқ-овқат программаси деган гаплар чиқди. Оқибати шу бўлдики, дўкон пештахталари бўшаб қолди.

Бу хил ҳавойи дастурларнинг тагида «мендан кетгунча — эгасига етгунча» деган нарса ётибди. Эртагача ким бору ким йўқ. Бугун мен шу баланд курсида ўтирибман, халқни авраб турай, эртага — худо пошшо, деган бир гап.

Биз шу залда Ўзбекистонни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш йўлларини муҳокама этиб, янги дастурни тасдиқлаган эдик. У пайтда **СССР деган давлат бор эди, ниманики иш бўлса, СССРнинг борлиги, ўша пайтда мавжуд бўлган ўзаро иқтисодий алоқалар ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилган эди.**

Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнида навқирон миллий давлатлар дунёга келди. **Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қўллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти. Менинг жавобим битта: Ўзбекистоннинг ўз дастури бор.**

Биз тузаётган янги дастурнинг эскиларидан нима фарқи бор?

**Биринчидан,** унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ акс этган. **Иккинчидан,** бу дастур хом хаёл гаплардан иборат эмас, балки жамият тараққиётининг устивор йўналишлари хусусида.

Хўш, бу устивор йўналишлар нималардан иборат?

1. Биз ўзимизнинг иқтисодий сиёсатимизда деҳқончиликка ва умуман қишлоқ ҳаётига **етакчи тармоқ сифатида** қараяпмиз. Бунинг сабабларини ҳам айтиб ўтдим. Аммо яна таъкидлаш керак: халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳарга нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. **Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва тўкинроқ яшашлари керак эмасми?**

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш учун, энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин кўпайтириш зарур. Шу мақсадда махсус Фармон ҳам чиқарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Уларга 81 минг гектар ер ажратилди.

Фермерлар ҳақидаги Фармоннинг бажарилишини Давлат назорат комитети мунтазам равишда текшириб турибди. Республика деҳқончилик-саноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг маошлари ҳақида. Аҳволни тушуниш керак. Бюджет ўзи учма-уч бўлиб турибди. Медицина, маориф, фан ва бошқа соҳалар борки, улар мана шу камбағал бюджет ҳисобига кун кўрадилар. Имкони бўлса эди, **биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик.**

Насиб этса, бу масала ижобий ҳал қилинади. Мана, бугунги кунда пахтанинг, пилланинг, полиз, мева ва сабзавотнинг харид нархини оширдик. Деҳқонлар **даромад ва қўшимча қиймат солиғидан** озод бўлдилар. Биргина шу солиқдан озод бўлиш ҳисобига деҳқонларнинг чўнтагида 23 миллиард сўм қолади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган кишиларнинг ўртача ойлик маошини 2 минг сўмга етказиш мақсад қилиб қўйилди ва ҳозир шунга етиб келяпмиз.

Бу йил пахтанинг 15 фоизини деҳқонлар ўзлари сотишлари мумкин. Турган гапки, режадан ташқари етиштирилган барча ҳосил ҳам келишилган нархларда сотилади.

Пилланинг 15 дан 25 фоизгача бўлган қисми келишилган нархларда сотилади. Бундан деҳқонлар қўшимча 320- миллион сўм фойда кўрадилар.

Ғалланинг харид нархи ошгани ғаллакорларга 2,7 миллиард сўм фойда келтиради. Сабзавот ва меванинг 50 фоизи деҳқонлар ихтиёрида қолади. **Улар ҳосилнинг нақд ярмини келишилган нархда сотадилар.**

Бугунги шароитда давлат харид нархларини бошқариб туришдан воз кечолмайди. Лекин, шу билан бир қаторда, давлат деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари ўртасида мувозанатни сақлашни таъминлайди. Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида субтекинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Бу ҳолга ортиқ чидаб бўлмайди.

**Баҳоларни бошқариб турмасдан** Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига ўтиш қийин. Деҳқончилик соҳаси билан саноат ўртасидаги тенглик маълум даражада таъмин этилса, эркин нархларга ўтиш мумкин бўлади.

2. Рубль амал қиладиган шароитда яшар эканмиз, истеъмол бозорини ҳимоя этмасдан бўлмайди. Бизда жудаям арзончилик деб айтсак, хато бўлади. **Аммо бозорларимиздаги нархни бошқа юртлар билан солиштирсак, биздаги нарх уларнинг олдида ҳолва бўлиб қолади.**

Ўзимизда бўлган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетмасликлари учун купон ва талон системасини жорий этдик.

Бугун бу нарсани танқид қилувчилар ҳам кўп. Лекин, азиз дўстлар, худди шу чоралар туфайли ўтган йилги оғир қиш ва бу йилнинг баҳоридан нисбатан осон чиққанимизни ҳам унутмаслик керак.

Чекланган нархлар бюджетга анча қимматга тушди. Аммо биз аҳоли манфаатларини олий мақсад деб билдик, гарчи четга чиқиб кетиш хавфи бўлса-да, энг керакли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон баҳода сотдик.

Моддий бойликларни олиб келиш ва чиқаришни назорат этадиган бош инспекция тузилгани ҳам маъқул бўлди. У ўзининг 7 ойлик фаолияти даврида 500 миллион сўмлик маҳсулот ва буюмларни ушлаб қолди, халқимизга қайтарди.

Мавжуд шароитда, қанчалик ҳимоя чоралари кўрилмасин, барибир, чегарани бекитиб бўлмайди. Товар деган нарса борки, бозори арзон жойдан бозори қиммат жойга чиқиб кетаверади.

Ҳозирча рубль асосий тўлов бирлиги бўлиб турибди. Пул зарб этадиган дастгоҳ Россиянинг қўлида. **Мен илгари ҳам МДҲда ҳақиқий тенглик бўлмоғи учун пул дастгоҳи ва банк тизими ҳамма давлатларга бирдек қарашли бўлиши керак, деган фикрни айтган эдим** Бугун ҳам ўша фикримда турибман.

Мабодо, бунинг иложи йўқ экан, бизлар Ўзбекистоннинг молиявий ва банк тизими мустақиллигини таъминлаш учун ўз **валютамизни жорий этишимиз шарт.** Умуман олганда, **миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади.**

Маълумки, Латвия ва Эстония ўз валютасини чиқарди. Литва ўз пулини чиқариш арафасида, Украина ва Беларусда миллий валюта ўрнини босадиган купонлар тизими жорий этилди. Аҳвол шу тарзда қолаверар экан, Ўзбекистонга қадрсизланган миллиардлаб рубль кириб келиш хавфи бор.

Яна бир сабаб шуки, бугунги кунда кишиларга маош тўлаш учун нақд пул етишмаяпти. Металл тангалар умуман муомаладан чиқиб кетди. Россия банки миллиардлаб сўм пул зарб этгани билан ўзига ҳам етказиб беролмаяпти. Пул кўп зарб этилган сайин унинг қадри ҳам тушиб кетмоқда.

Шуларни ҳисобга олсак, миллий валютани чиқариш шарт бўлиб қолмоқда. Биз бу борада анча-мунча тайёргарлик қилиб қўйганмиз. Миллий пулни зарб этиш қийин эмас. Бу нарсанинг техник имкониятлари мавжуд. **Асосий мақсад — бу пулнинг қиймати ва қадрини таъмин этишдан иборат.** Энг аввало, товарлар ва маҳсулотларни мўл-кўл қилиб, бу янги пулнинг ички бозордаги кучини таъминлаш керак. Ички бозорда кучли бўлган пулни ташқи алоқаларда ҳам кучли тўлов воситасига айлантириш имкони анча енгиллашади,

3. Бозор инфраструктурасини шакллантириш, аввало, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини ҳам қамраб олади.

**Мулкчиликнинг барча шаклларига эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади. Айни замонда лоқайдлик, танбаллик каби иллатлар барҳам топади.** Бир сўз билан айтганда, ишлаган одам хор бўлмайди.

Бугунги кунда биз кўриб турган кўпчилик иқтисодий муносабатлар ҳақиқий бозордан ҳали анча йироқ. Мавжуд биржалар ва воситачилик ташкилотлари, тўғрисини айтсак, кўпроқ арзон олиб, қимматга сотиш билан шуғулланяпти.

Тижоратнинг мақсади шу эмасми, деган савол туғилиши мумкин. **Тўғри, фойдасиз тижорат бўлмайди.** Аммо истеъмол бозори камбағал бўлса, тижорат дегани оддий чайқовчилик даражасида қолиб кетаверади.

Ҳақиқий бозор муносабатларига ўтилганда эса турли корхоналар, турли биржалар, суғурта идоралари, банклар ва бошқа идоралар орасида ҳақиқий рақобат вужудга келади. Кимки кўп ва арзон мол келтирса ва ким қанчалик тез ва арзон сотса, **ўшанинг иши юришади.** Негаки, ҳаракатсиз сармоя — ўлик сармоя. Капитал дегани, албатта, оборотда, муомалада бўлади. Соғлом рақобат ички бозорни мол билан бойитишда ва нархни арзонлаштиришда катта роль ўйнайди.

Мулкчиликнинг турли шакллари — ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ҳамда бошқа шаклларнинг ривож топиши ҳам айни рақобатни кучайтириш ва халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради.

4. Иқтисодни жонлантириш учун **корхоналарни хусусийлаштириш** ишига жиддий киришмоқ керак. Хусусийлаштириш, энг аввало, маиший хизмат ва савдо корхоналари, маҳаллий саноат корхоналаридан бошланади. Кейинчалик катта корхоналар ҳам акционерлик ва бошқа мулкчилик шаклига ўтказилади.

5. Иқтисодни тўғри йўлга солиш учун ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан зўравонлигини тугатиш керак. Бунда корхоналар монополизмига қарши чоралар белгиланмаса бўлмайди. Фақат шу чораларгина бояги айтилган эркин рақобат шарт-шароитларини яратади.

**(Давоми учинчи бетда).**

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

## *ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРИГА*

1992 — 1993 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАЪЛИМНИНГ КУНДУЗГИ ШАКЛИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА

## *ЎҚИШ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ*

### АНДИЖОН ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

(710002, Андижон шаҳри, Парков кўчаси, 78-«а» уй).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакллари бўйича:
Ҳунар таълими.

### БУХОРО ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

(705022, Бухоро шаҳри, ибн Сино кўчаси, 8-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакллари бўйича:
Ҳунар таълими.

### 1-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

(700167, Тошкент шаҳри, 4-Саракул тупиги, 1-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакллари бўйича:
Ҳунар таълими.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Жисмоний тарбия.

### Л. ТОЛСТОЙ НОМЛИ АНДИЖОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(710009, Андижон шаҳри, Хоразм кўчаси, 1-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Мусиқа тарбияси.

### НОДИРА НОМЛИ АСАКА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(711090, Асака шаҳри, Шаҳрихон кўчаси, 57-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### БЎЗ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(711070, Андижон вилояти, Бўз ноҳияси, Қ. Маркс кўчаси).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ БУХОРО ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(705017, Бухоро шаҳри, Комсомол кўчаси, 16-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек ва тожик тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек, тожик ва рус тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### НАВОИЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(706810, Навоий вилояти, Кармана шаҳарчаси, Тошкент кўчаси, 2-уй)

Ўқиш ўзбек ва қозоқ тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### ЖИЗЗАХ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(708014, Жиззах шаҳри, Целиноград кўчаси, 5-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### СИРДАРЁ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(708400, Сирдарё шаҳри, Ленин кўчаси, 86-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Жисмоний тарбия.
Меҳнатни ўқитиш.
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.

### ГУЛИСТОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(707000, Гулистон шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакллари бўйича:
Мактабгача тарбия.

### ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ҚАРШИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(730011, Қарши шаҳри, Индустриал кўчаси, 134-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Мактабгача тарбия.
Жисмоний тарбия.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### ШАҲРИСАБЗ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(731700, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз ноҳияси, Шаматан қишлоқ Совети, «Ленинград» колхози)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Мусиқавий тарбия.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### НАМАНГАН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(716009, Наманган шаҳри, Островский кўчаси, 8-уй)

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги ва сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### ЧУСТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(717200, Чуст шаҳри, Пушкин кўчаси, 9-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Меҳнатни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.

### ҚОСОНСОЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(717220, Қосонсой шаҳри, Қ. Маркс кўчаси, 13-уй)

Ўқиш ўзбек ва тожик тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Жисмоний тарбия.

### Қ. Д. УШИНСКИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(703002, Самарқанд шаҳри, Октябрь кўчаси, 5-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.

### БЕРУНИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(703030, Самарқанд шаҳри, Крилов кўчаси, 7-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мусиқавий тарбия.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### МАКАРЕНКО НОМЛИ САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(703006, Самарқанд шаҳри, Дагбитская кўчаси, 41-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва тожик тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Жисмоний тарбия.

### А. ИКРОМОВ НОМЛИ КАТТАҚЎРҒОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(713934, Каттақўрғон шаҳри, Қ. Маркс кўчаси, 193-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.

### ТЕРМИЗ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(732002, Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, 66-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Жисмоний тарбия.

### АНГОР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(733034, Сурхондарё вилояти, Ангор ноҳияси, «Қизил Юлдуз» колхози).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.

### ДЕНОВ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(733512, Сурхондарё вилояти, Денов ноҳияси, «Ғалаба» колхози).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Мактабгача тарбия.

### АНГРЕН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(702510, Ангрен шаҳри, Димитров кўчаси, 17-уй)

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Жисмоний тарбия.

### БЕКОБОД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(702900, Тошкент вилояти, Бекобод ноҳияси, Зафар посёлкаси).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Меҳнатни ўқитиш.
Мактабгача тарбия.

### А. НАВОИЙ НОМЛИ ХИВА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(741400, Хива шаҳри, Феруз кўчаси, 56-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Мактабгача тарбия.

### А. ЗОҲИРИЙ НОМЛИ ҚЎҚОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(713019, Қўқон шаҳри, Ленин кўчаси, 85-«а»-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Меҳнатни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.

### НАВОИЙ НОМЛИ МАРҒИЛОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(713001, Марғилон шаҳри, Қ. Маркс кўчаси, 205-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мусиқавий тарбия.
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек, рус ва тожик тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### НУКУС ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(742001, Нукус шаҳри, П. Сеитов кўчаси).

Ўқиш қорақалпоқ тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Мактабгача тарбия.
Ўқиш қорақалпоқ ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш қорақалпоқ тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### НУРПЕИСОВ НОМЛИ ХЎЖАЙЛИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(743105, Хўжайли шаҳри, П. Лумумба кўчаси, 1-уй)

Ўқиш қорақалпоқ тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Жисмоний тарбия.
Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.

### БЕРУНИЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(743601, Беруний шаҳри, Жуманиёзов кўчаси, 10-уй).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Ўқиш ўзбек, қозоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### ЧИМБОЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(743307, Чимбой шаҳри, Горький кўчаси, 110-уй)

Ўқиш қорақалпоқ тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.

### В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(700081, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 27-уй)

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Меҳнатни ўқитиш.

### Н. К. КРУПСКАЯ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй)

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

### Ю. РАЖАБИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(700135, Тошкент шаҳри, 17-Чилонзор даҳаси, 38-«а»-уй)

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мусиқавий тарбия.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(700187, Тошкент шаҳри, Темур Малик кўчаси, 112-уй)

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг кундузги шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.
Бошланғич синфларда ўқитиш.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган таълимнинг сиртқи шакли бўйича:
Мактабгача тарбия.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИХТИЁРИДАГИ ЎРТА ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН 1992 ЙИЛГИ ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ «МАЪРИФАТ» РЎЗНОМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.**

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 240. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 18.30

Тиражи 10601.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12